

9-30-2020

THE STUDY OF THE MERITS OF HISTORICAL FIGURES

Maqsuda Nishonovna Khusanova

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi,
moliyajurnal@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Khusanova, Maqsuda Nishonovna (2020) "THE STUDY OF THE MERITS OF HISTORICAL FIGURES,"
Bulletin of Gulistan State University. Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 32.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss3/32>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 801.8

THE STUDY OF THE MERITS OF HISTORICAL FIGURES

ТАРИХИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН ДИГНИТОНИМЛАР ТАДҚИҚИ

ИССЛЕДОВАНИЯ ДИГНИТОНИМОВ ИСТОРИЧЕСКИХ ДЕЯТЕЛЕЙ

Хусанова Максуда Нишоневна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети
100100.Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ўқитувчи кўчаси, 103-уй.

E-mail: moliyajurnal@mail.ru.

Annotation. The article notes that dignitaries are an important element of spiritual heritage, national cultural wealth and a complex of ancient historical monuments. The active use of the period and the historical study of the names given to historical figures, the names analyzed today.

It is well known that dignitonims, like other onomastic units, consist of words. The words that they contain are onomastic lexicons based on the names of things, events, and so on. The fact that such words are studied both synchronously and diachronously suggests that the richness of our language is enormous: as soon as onomastic units are perceived as a separate object of study, they can be studied theoretically and practically. Each society has its own legal norms, its own management style. The state, on the other hand, encourages those who have contributed to its own development and progress in a way that is partially different from society, in various ways and means. Famous historical figures were recognized by individuals, communities and the state and were awarded established ranks, orders, medals and awards.

Keywords: dignitonim, individuality, collective, national, historical, past, lexical structure, onomastic unity, established by the state, spiritual stimulation, research, words.

Аннотация. В статье отмечается, что сановники являются важным элементом духовного наследия, национального культурного богатства и комплекса древних исторических памятников. Активное использование периода и историческое изучение названий, данных историческим личностям, проанализированные сегодня названия.

Хорошо известно, что дигнитоним, как и другие ономастические единицы, состоят из слов. Слова, которые они содержат, являются ономастическими лексиконами, основанными на именах вещей, событий и так далее. Тот факт, что такие слова изучаются как синхронно, так и диахронно, говорит о том, что богатство нашего языка огромно: как только ономастические единицы будут восприняты как отдельный объект изучения, их можно будет изучать теоретически и практически. Каждое общество имеет свои правовые нормы, свой стиль управления. Государство, с другой стороны, поощряет тех, кто внес свой вклад в его собственное развитие и прогресс таким образом, который частично отличается от общества, различными способами и средствами. Известные исторические личности были признаны отдельными лицами, общинами и государством и были удостоены установленных званий, орденов, медалей и наград.

Ключевые слова: dignitonim, индивидуальность, коллектив, национальное, историческое, в прошлом, лексическая структура, ономастическое единство, установленное государством, духовное стимулирование, исследование, слова.

Кириш. Инсоният тарихида номлар, хусусан, дигнитоним (унвон)лар ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий, миллийлик ва иқтисодий нуқтаи назардан алоҳида аҳамиятга эга, чунки уларда халқларнинг миллий, маданий-маърифий салоҳияти ва қарашлари, табиат ва жамиятга меҳр-муҳаббати, эъзозу эътирофи бир бутун ҳолда мужассамлашган.

Ҳар қандай халқ тарихида муаян тарихий қимматга эга бўлган бир қанча унвон (фахрий, диний ва илмий) лар, орден, медал ва мукофотларнинг номлари таъсис этилган ва улар маълум даврда фаол қўлланади. Бу эса уларнинг маънавий мерос, миллий маданий бойлик ва кўҳна тарихий ёдгорликлар мажмуининг муҳим бир элементи эканлигини кўрсатади. Шу сабабли “қадимий аждоқларимиз, улар ҳақидаги фикрлар, хабарлар ва маълумотларни тилдаги сўзлар, иборалар, матнлар орқали билиб оламиз” [1]. Мана шундай лисоний манбалар сафига дигнитонимлар ҳам қиради. Шунинг учун ҳам Қ. Қурбонов ва В. Кучкоровларнинг “Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт” номли китобида кишиларни нафақат

маънавий ва маърифий тарбиялаш, маънавий рағбатлантиришда “Онгли мавжудот”, “Баркамол инсон”, “Маърифатпарвар бобо (миз)”, “Эзгулик манбаи”, “Миллий ғоя” [2] сингари бир қанча дигнитонимлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ўзбек тили луғат таркиби атоқли отларга бой, бироқ уларнинг барча кўринишлари етарли, тўлиқ жамланмаган, илмий манбаларда у ёки бу тарзда тилга олинса-да, алоҳида ўрганилмаган. Ана шундай етарли тақиқ этилмаган атоқли от турларидан бири дигнитонимлардир. Дигнитонимлар ҳам бошқа ономастик бирликлар сингари сўзлардан ташкил топади. Улар таркибидаги сўзлар нарса, ҳодиса кабиларни номлашга асосланган ономастик лексика ҳисобланади. Бундай сўзларнинг эса ҳам синхрон, ҳам диахрон жиҳатлардан ўрганилганлиги тилимизнинг бойлиги бениҳоя катта ҳажмда эканлигини асослайди. Ономастик бирликларни алоҳида тадқиқот объекти қилиб олиниши билан уларни назарий ва амалий тадқиқ қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун ономастик назария ва унинг тадқиқ методологияси, методларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Зеро, “Ўзбек ономастикаси материаллари ҳозирга қадар тавсифий усулда ўрганилиб келинди. Эндиликда уларни назарий усулларда тадқиқ қилиш имконияти туғилмоқда” [3]. Демак, дигнитоним инсоннинг ақлий, ғоявий ва бадий фаолияти маҳсули бўлган унвон, орден, медал ва мукофотлар номларининг атоқли отлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унвон, орден, медал ва мукофотларнинг номларининг тарихий-киёсий тадқиқига зарурият борлигини эътироф этиш лозим.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Агар тарихга эътибор қиладиган бўлсак, қуйидаги қадимда қўлланган дигнитонимларни кўришимиз мумкин: ақли, доно ва билимли киши, шоирларнинг одам отаси бўлган Рудакий “*Одам уш-шуаро*”, XI асрнинг Юсуф деган сўз санъаткори “*Хос Ҳожиб*” (эшик оғаси) [4], Аҳмад Яссавий “*Шайхул машоийх*”, “*Султонул орифин*” (орифлар султони), “*Кароматлар хазинаси*”, Лутфийни эса “*малик ул-калом*” [5], Алишер Навоий эса “*Низомиддин Мир Алишер*” ва “*Ғазал мулкининг султони*”, “*Манзури шоҳон шоҳи Ҳуросон*”, “*Муқарраби шоҳий*”, яъни “*Шоҳнинг энг яқин кишиси*” [5] каби унвонлари билан, элимизнинг орзу-умидларини қуйлаган бахшилар “*Халқ бахшиси*” унвони билан халқ томонидан тан олинган.

Мустақиллик даврида мамлакатимизда қуйидагилар дигнитонимлар таъсис этилган: “*Ўзбекистон Қаҳрамони*” ордени, “*Амир Темур*” ордени, *Зулфия мукофоти* соврини, “*Меҳнат шухрати*” ордени, “*Фан арбоби*” давлат мукофоти ва бошқалар. Халқ вакиллари томонидан, аниқроғи, ёшлар томонидан таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-мураббийларга “*Устоз*” ва “*Муаллим*” деган унвонлар берилган. Айни вақтда бу дигнитонимлар халқ ичида янада оммалашмоқда. Улар иккита алоҳида гуруҳга бўлинади: а) алоҳида шахс томонидан яратилган дигнитонимлар; б) жамоа томонидан яратилган дигнитонимлар.

Алоҳида шахс томонидан яратиладиган дигнитонимларга Мард, Устоз, Дўст, Одам, Яхши, Ўртоқ, Паҳлавон, Танги, Чаптаст дигнитонимлари мисол бўлади. Сабаби, бундай унвонли одамларни аввал бир киши ёки алоҳида шахс тан олинган ва амалда қўллаган. Шунингдек, туркийлар орасида, хусусан, ўзбеклар орасидаги кишилар бир-бирлари билан ака-ука, ота-бола тутиниши сингари этнографик анъаналар учрайди. Булар ҳам маълум маънода алоҳида шахс томонидан яратилган дигнитонимлар саналади. Зеро, ака-ука тутинишда катта киши кичик кишига **Ука** деган шахсий унвонни, кичик киши эса катта кишига **Ака** деган шахсий унвонни, ота-бола тутинишда эса кичик одам ўзига маъқул келган, ёққан, ўз идеали бўлган ёши улуг инсонни **Ота** унвони билан атайди. Ушбу унвонни олган киши(лар) ўзидан анча кичик кишини **Бола (м), Бўтам, Ўғлим** деган унвонлар билан атайди. Мазкур ҳолатларга эътибор берсак, дигнитонимларнинг илдизлари қадимий этнографик анъана ҳамда кадриятларга бориб тақалади. Бу кадрият ҳамда анъаналар кўринишидаги этнографик ҳолатлар халқ оммаси томонидан яхши кутиб олингани учун яратилиши ва шаклланиши шаклу мазмун жиҳатдан мураккаблашиб бориб, бугунги дигнитонимлар ҳолатига келиб қолгани табиий ҳолдир. Уларнинг дигнитонимлик хусусиятлари оммалашгани сингари улар жамият томонидан яратилган дигнитонимлар сирасига ўтган.

Жамоа вакиллари ўзларининг бирор ҳамкасбларини тан олиб, эътироф этишлари натижасида ҳам дигнитонимлар яратилади. Масалан, *Командамиз юраги, Жамоамиз фаҳри, Қишлоғимиз виждони, Маҳалламиз виждони, Қурсимиз виждони, Туманимиз фаҳри...*

Шунингдек, алоҳида шахс томонидан яратилган унвон номлари вақт ўтиши билан оммалашиб кетиши натижасида улар жамоага тегишли бўлиб қолади. Шу жумладан, Аристотелни “Биринчи муаллим”, Фаробийни “Муаллим ас-соний” (Иккинчи муаллим) дейиш жамоанинг билимли, доно, тажрибали кишилари томонидан айtilгани учун бу дигнитонимлар жамоа томонидан яратилган дигнитонимлар сирасига киради. Одамлар жамоаси Исо, Сулаймон, Муҳаммад каби ижобий фазилатли ва илоҳий қудратлиликни ўзида жамул-жам қилганларни бир овоздан “Пайғамбар” деган дигнитоним, яъни унвон билан атаб, эътироф этишган.

Ҳар бир жамиятда ўзигагина хос бўлган қонун ва қоидалари, идора услубига эгадир. Давлат эса жамиятдан қисман фарқланадиган кўринишдаги ўзининг ривожланиши ва тараққиётига ҳисса қўшганларни ташкил топганидан бошлаб, турли йўл ҳамда воситалар асосида рағбатлантириб борган. Масалан, олдинги даврларда подшо, хон, амирлардан ҳам катта ҳуқуқ ва обрўга эга бўлган киши Шайхул ислом бўлганлиги тарихдан маълум. Шунингдек, хон ва амир унвонлари ҳам давлат томонидан махсус таъсис этилган. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўз ўрдасида давлат раҳбари бўлган хонга итоат қилган ҳолда бутун ҳарбий қўшинни, ички ва ташқи сиёсатни бошқарган, чунки у жамоа ва хон томонидан Амир унвони билан эътироф этилган. Шунингдек, урушлардан доимо ғалаба билан чиққани учун Амир Темур *Соҳибқирон* [6] унвони билан халқ томонидан аташган.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ҳокимлик, депутатлик, министрлик, сенаторлик ва президентлик каби бир қанча унвонлар таъсис этилган. Ушбу унвонлар умумий ном билан раҳбарлик унвонлари деб аташ мумкин. Шунингдек, давлат томонидан ички ишлар ходимлари, ҳарбий хизматчилар, ўқитувчи ва мураббийлар, инженер, курувчи, журналист, медик, бахши, чорвадор, пахтакор каби бир қанча касблардаги одамларни қилган яхши, малакали ишлари учун рағбатлантириш мақсадида эҳтиёжга қараб махсус унвонларни таъсис этиб борган. Шулар билан бирга *Ўзбекистон ифтихори, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Халқ таълими аълочиси, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби* деган энг олий унвонлар ҳам давлатимиз томонидан махсус таъсис этилган. Бу унвонларни олганлар махсус фармон билан эътироф этилган ва шундай унвонни олганлиги тўғрисида гувоҳнома(лар) берилган.

Баъзан фахрий унвонларни давлат номидан олий таълим тизимидаги институт ҳамда университетлар ҳам таъсис этиши мумкин: *Фанлар академияси фахрий аъзоси, Фахрий профессор, Фахрий академик*.

Давлат раҳбари томонидан халқ ва давлат томонидан эътироф этилган алломаларга берилган фахрий унвонлар: *Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Шоирларнинг шоири, авлиёларнинг авлиёси* [7] унвони билан Алишер Навоийни шарафлаган.

Шунингдек, *Ота* унвони билан XX асрнинг 20-30-йилларида Йўлдош Охунбобоев [8] ва XX асрнинг 90-йилларидан то 2016 йилгача И.А.Каримов эътироф этилган.

Халқ нафақат эркакларга ўзининг фахрий унвонини берган, шу билан биргаликда хотин-қизларга ҳам шундай унвонларини билан тақдирлаган. Масалан, кайвони ва одамларни бирлаштирувчилар онахонларга нисбатан *Қишлоғимиз виждони, Маҳалламиз юраги* деган унвонлар қўлланган. Ушбу ҳолат жаҳон миқёсида ҳам учрайди. Мазкур фикримизга мисол: Маргарет Тетчер – *Биринчи темир леди* [9], Тереза Мей эса *Иккинчи темир* аёл унвонлари билан халқ томонидан эътироф этилган. Бу икки “*темир аёл*” ҳам ўз даврида Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигининг бош вазирлари бўлишган.

Хулоса. Дигнитонимларнинг шаклланиши ва қўлланиши жамиятга хос тарихий тараққиётнинг бир кўриниши ҳисобланади. Улар ҳақида гапириш учун уларнинг ўрганилиши ва яратилиши жараёнларига эътибор бериш керак.

Дигнитонимлар Президент махсус фармонларида, халқ эътирофи асосида яратилган бўлса-да, илмий нуқтаи назардан махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Дигнитонимлар халқ ва давлат томонидан яратилган. Мустақиллик даврида эса кишилари ижтимоий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги фаолиятларини янада рағбатлантириш учун мамлакатимиз раҳбарияти томонидан чиқарилган фармонлар асосида яратилган.

Халқ томонидан яратилган дигнитонимлар алоҳида шахслар ҳамда жамоанинг муносабати асосида яратилган. Бундай унвон номлари қисқа, содда ва қўшма моҳияти билан кишилари эътиборини тортади.

Дигнитонимларни ифодаловчи тушунчалар тўғрисида фикр юритишда , биринчи ўринда унвон номи ҳам умумийлиги билан дигнитонимликни, индивидуаллиги билан алоҳида шаклдаги илмийлик ва фахрийликни англлатувчи унвон номларини англлатишини эътиборга олиш керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов Э. Исmlарнинг сирли олами .-Тошкент: Ўзбекистон, 2014.- Б . 28.
2. Қурбонov Қ., Қўчқоров В. Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт.-Т.: Маънавият, 2014. - Б. 69-72.
3. Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. -Т., 2013. - 261 б.
4. Султонмурод Олим, Аҳмедов С., Қўчқоров Р. Адабиёт.-Т.,2006.- 51 б.
5. Султонмурод Олим, Аҳмедов С., Қўчқоров Р. Адабиёт -Т., 2019.- Б. 44.
6. Орипов А. Соҳибқирон.-Тошкент: Академнашр, 2016.– Б. 136.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.- Т., Маънавият, 2008. –Б. 30.
8. Саид Аҳмад. Уфқ.- Тошкент: Янги авлод, 2015.- Б .393.
9. <https://www.bbc.com/uzbek/world/2013/04/130408>

References:

1. Begmatov E.A. Ismlarning sirli olami.-Toshkent: O'zbekiston,2014.- B. 28.
2. Qurbonov Q., Qo'chqorov V. Milliy g'oya va ma'naviy hayot.-T.: Ma'naviyat, 2014.- B.69-72.
3. Begmatov E.A. O'zbek tili antiroponimikasi.-T., 2013.- 261 b.
4. Sultonmurod Olim, Ahmedov S., Qo'chqorov R. Adabiyot. -T., 2006.- 51 b.
5. Sultonmurod Olim, Ahmedov S., Qo'chqorov R. Adabiyot.-T., 2019.- 44 b.
6. Oripov A. Sohibqiron.-Toshkent: Akademnashr, 2016.- B. 136
7. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – engilmas kuch.-T.: Ma'naviyat, 2008.- 30 b.
8. Said Ahmad . Ufq.- Toshkent: Yangi avlod,2015.- B. 393.
9. <https://www.bbc.com/uzbek/world/2013/04/130408>

Муаллиф:

Хусанова Максуда Нишоневна - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети тадқиқотчиси.